

# **ГЛОБАЛЛАШУВ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”**

**Фарғона политехника институти  
Н. Олтмишева  
«Ижтимоий фанлар кафедраси»  
катта ўқитувчиси  
А.Мадаминов кафедра асистенти.**

Бугун «глобаллашув» сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Чунки бу тушунча инсон ва жамият ҳаёти ривожининг ҳозирги даврдаги мухим хусусиятларини, жумладан, шиддат билан ўзгариб бораётган ўта мураккаб бир воқеликни ўзида мужассам этади. Айни пайтда кишилик жамияти ривожида устувор бўлиб бораётган майллардан келиб чиқиладиган бўлса, инсониятнинг истиқболини ҳам тасаввур қилиш имконини беради. Мазкур жараёнда муаммони олдимизга аниқ қўя олишимиз даркор, яъни, муаммонинг илдизи глобаллашув жараёнида эмас, балки унинг таъсирида содир бўлаётган барча салбий оқибатларга нисбатан энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар халқларининг айниқса, ёшлар тамонидан унинг қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга бўлган мойилликнинг кучайиб бораётганлигидир. Бугунги кунда ёшларда илм-фанга, атроф-мухитга, атрофида содир бўлаётган (сиёсий, ижтимоий, иқтисодий) жараёнларга қизиқиши кучли. Шу боисдан барчамизнинг ҳаётимизга қай соҳада бўлмайлик интернет, жаҳон кинолари, турли сериаллар, журналар, компьютер ўйинлари қайсиdir маънода кириб улгурган дейиш мумкин. Ёшлар бу жараёнларда кўрган ва ўзларига ёқкан қаҳрамоннинг барча ҳатти-ҳарактларини мақуллайдилар, ёқтирадилар, оқлайдилар ва тақлид ҳам қиладилар. Ёшларимиз ўзларининг бундай арзимас хатолари кимларнингдир фойдасига ишлаётганини билмайдилар.

Бугунги кунда фан, техника, технологиялар ижтимоий, миллий, маънавий-маърифий соҳаларда содир бўлаётган энг сўнги ютуқлар, ўзгаришларни бутун жаҳон халқлари онги, қалби ва амалий ҳаётига сингдиришда, уларнинг дунёқарашини бир қолипга солища ягона “оммавий маданият”, ахлоқ ва турмуш тарзини шакллантиришда, айниқса, ёшларнинг миллий-маънавий дунёқарashi заифлашувида ана шу оммавий ахборот воситалари – компьютер, интернет, уяли телефонлар кабилар катта роль ўйнамоқда. Айни шундай пайтларда маънавий - ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган, миллий маънавиятимизнинг туб илдизларига болта уриши мумкин бўлган, асл мазмунни маданиятсизлик бўлмиш «оммавий маданият» таҳдиidi кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Дастлаб XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШнинг жанубий штатларида истиқомат қилувчи бир гурӯҳ ёшлар ўз ҳаёт тарзларини бутун дунё маданиятига айлантиришни хоҳлаб қолдилар. Бу ҳаёт тарзи ўзининг енгил-елпилиги, жинсий ҳаётда эркинлиги, космополитизм ғоялари билан бутун дунё ёшларини ўзига оханрабодек жалб қила бошлади. Аср охирида АҚШ ва Фарбий Европадаги гўзал афишалар, тунги клуб ва дискотекалар бутун дунё ёшларини ўзига торта бошлади ва бу бутун дунёга «оммавий маданият» номи билан тарқалди. Табиий савол туғилиши мумкин, хўш оммавий маданият бутун дунёга ёйилса нима бўпти? Шу маънода, “оммавий маданият” кўплаб шаклларда ўзини намоён этади. Китч (заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тилига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаёс матбаа - расм маҳсулотлари), стариزم (субъеттив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёrlар спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш), хеппининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногохонда уюштириладиган “кескин” томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб абжагини чиқариш ёки ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий “кўнгил очиш”лар уюштириш) “оммавий маданият”нинг айрим кўринишларидир. “Оммавий маданият”да айниқса “Поп(оммавий) - мусиқа” алоҳида ўрин тутада. “Поп-мусиқа”ни “Янги рок” белгилайди. Яъни, жазавали ритм, зарб, шовқин ушбу мусиқанинг қиёфасидир. Бу мусиқа тинглашга, қалдан

хузурланишга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талvasага, рақсга йўналтирилган. Ўзларини замонавий “РЕП”чи деб атаётганлар асл санъатни ерга урадилар, шеъриятнинг оддий талаблариға жавоб бермайдиган, кўпроқ кўчада мавжуд беҳаё, жаргон ибораларга, киноя, мазаҳ қиласидиган сўзларга асосланади. Бизлар эса бундай мураккаб кечаётган жараёнлар даврида ҳаётга сергакроқ қарашимиз, атрофимизда юз бераётган ҳодисаларга фақат бир ёқлама муносабатда бўлмаслигимиз, вақтингачалик кайф-сафо, хузур-ҳаловат, ўйин-кулги деб ўзлигимизни йўқотмаслигимиз, “оммавий маданият” деган никоб остида, аслида, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш ҳамда шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган уринишлар эканлигини ақлан тушунишимиз лозим.

Минг йиллар давомида ер юзида ҳаётнинг давом этётганлигига сабаб тирик мавжудодларнинг ўз келажаги ва келажак авлод тўғрисида қайғурганлигидадир. Агар одамзод фарзанд тарбиясини ўзига ортиқча иш деб ҳисобласа – бу инсоният учун энг катта фожеадир. Оммавий маданият таъсирига тушган давлатлардаги ёшлар ўзлари учун жинсий эркинликка эга бўлди, бунда улар бир-бирлари билан фарзанд кўриш истаги билан эмас, балки майшат, жинсий лаззатдан баҳраманд бўлиш учун бирга бўлмоқдалар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, «АҚШ ва айрим Ғарбий Европа давлатларида 1989 йилга келиб бир жинсли одамларнинг никоҳини рўйҳатга олишга эришилди»<sup>1</sup>. Вахолангки, християн ва ислом динларида ливота (эркак билан эркакнинг жинсий алоқада бўлиши) катта гуноҳ саналади. Бугун аксар Европа давлатларидаги асосий муаммо – бу демографик инқизорзидир. Чунки бу давлатларда ёшлар фарзанд тарбиясини ортиқча иш деб ҳисобламоқда. Россиялик олимлар олиб борган статистик маълумотларга кўра 1990 йилдан 2010 йилгача рус халқи 160 млн дан 143 млн га камайган. Агар бу аҳвол яхшиланмаса 2030 йилга келиб рус халқи 120 млн га камаяди ва бу халқнинг бошқа халқлар билан кўшилиб кетишига олиб келади. Шу каби муаммоларни Германия, Англия, Франция, Италия каби Ғарбий Европа давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Бугун бизнинг халқимизга оммавий маданият ҳеч қандай хавф туғдирмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки оммавий маданиятнинг баъзи бир унсурлари бизда ҳам кузатилмоқда.

Бугун ҳаётимизни оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ва техник воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кўпчилик ёшлар бугунги кунда ўз билимларини компьютер технологиялари, айниқса, интернет ёрдамида бойитмоқда, лекин улар орасида «Интернет хоналарида фойдали билим олиш ўрнига ўйин учун соатига 300 сўм кетказаётган»<sup>2</sup> ёшлар ҳам топилади. «Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди. Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидинияси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бугунги кунда 1 млрд 250 млн киши у ёки бу даражада ундан фойдаланиши ҳам мазкур фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлади».<sup>3</sup> Ҳали онги тўлиқ шаклланмаган, ёшларни баъзида эса катта ёшдаги кишиларга ҳам ўз таъсирини ўтказадиган интернет сайлари ҳақидаги фикрларни келтирамиз. Мутахасислар томонидан аниқланган маълумотларга қараганда интернетда ўзини-ўзи ўлдиришнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 мингдан, эротик мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтларнинг мавжудлиги, бугун интернет, агар ундан тўғри фойдаланилмаса, накадар катта маънавий – ғоявий таҳдид бўлиб қолаётганини исботламоқда. «Мутахасислар ўтказган маҳсус тадқиқотлар мавжуд сайтларнинг таҳминан 12 фоизи порнографик характеристерга эга эканлигини кўрсатади. Мавжуд маҳсус дастурлар интернет тармоғидаги порнографиянинг фақат 90 фоизинигина филтрлайди, яъни компьютердан фойдаланувчиларнинг ихтиёридан ташқарида экранда пайдо бўлиши йўлига тўсик қўя олади. Демак, қанчалик ҳаракат қилинмасин

<sup>1</sup> Фаниев А. Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар. Ворис Т; 2007.Б -14

<sup>2</sup> Куронов М. Оталар китоби О’ZBEKİSTON. Т.2007. Б- 9

<sup>3</sup> Эркаев А. Глобаллашув, ахборот хуружи ва оммавий маданият

порнографик мазмунга эга сайтлар интернетдан фойдаланувчиларнинг ҳохиш-истагидан қатъий назар уларнинг диққатини торта олади. Жумладан, тадқиқотларда 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн порнографияси таъсирига тушиши қайд қилинади<sup>4</sup>. Онлайн порнографиясини компьютер вирусига ўхшатиш мумкин. Бу вируслар одамлар онгини заҳарлаб уларда шаҳвоний нафсни ўйғотади. Ўз навбатида порнографик сайтларни яратган шаҳслар антивирус сифатида фохишибозликни тарғиб қилувчи фильмларни сотувга чиқаради. АҚШдаги худди шундай «анттивирус»ларни суръатга олиш билан шуғулланувчиларнинг умумий йиллик даромади 97,3 миллиард долларни ташкил этади. Ғарбий Европадаги 10 та давлатда порнографик мазмунга эга бўлган газета, журнал ва фильмлар учун 130 миллиард евро ажратилади (интернет филтер ревююнинг 2006 йилги маълумоти). Мазкур ҳолатлар бугунги кунда бъязи ёшларнинг қизиққонлиги ва интернетда кўп ишлаши уларнинг тарбиясига ва маънавиятига жуда катта таъсир этишини кўрсатади. Ана шундай вазиятда И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, шуни унутмаслик керакки «бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина ҳабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин». Айни шу огоҳлантиришни бугун биз уяли алоқа воситаларидан фойдаланувчи ёшлар нафақат ёшлар, балки катталарга ҳам таалукли деб биламан. Чунки замонавий уяли алоқа телефонлари инсон соғлигига зарар етказиши билан биргаликда уларда олиб юрилган фильмлар ва клиплар уларнинг маънавиятига ўз таъсирини ўтказади. Юқорида таъкидланган вирусларни бугун ҳар қандай одам ўзи билан олиб юриши мумкин бўлиб қолди. Бугун глобал муаммога айланадиган юқоридаги масалалар биз педагогларни ва бутун мамлакат аҳолисини ташвишга солаётган асосий муаммо бўлиб қолмоқда деб ўйлайман. Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, «тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшшимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин».

Ҳар бир инсон кундалик ҳаётида турли нарсалардан фойдаланади. Инсон уларни истеъмол қилар экан ҳар гал маълум тартиб – қоидалар, содда қилиб айтганда маданиятга риоя қиласи. Айтайлик, бугунги кунда ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ёки алоҳида олинган жамият ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун нима қилиши зарур? Бунинг учун у ёки бу ахборотни эшитар экан ҳар бир инсон ҳеч бўлмаганда бу ахборотни яъни «вируслар»ни Ким?, Нима учун?, Нима мақсадда менга узатаяпти? Буни мен нима учун эшитаяпман ёки сақлаяпман ? Менга қандай зарар етказиши мумкин? деган саволлрни бериши ва унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак бўлади. Ана шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган муаммоларга кўр – кўrona эргашишнинг олди олинади деб ўйлайман. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манбаатларимиз ва қадрияларимизга зид бўлган ҳабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқин ролини ўтайди, шахс дунёқарashi ва хулқидаги событликни таъминлашга хизмат қиласи.

Глобал ўзгаришлар технологик ютуқлар, иқтисодий ва маданий жиҳатдан турли халқларнинг яқинлашуви билан бирга халқаро сиёсий-ижтимоий майдонда бир қатор мураккабликларни келтириб чиқарди. Замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет жамиятнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб келаяпти. Интернет тармоғининг имкониятлари нақадар кенг ва чексизлиги бугун барчага аён, у газета, радио ва ҳатто телевидениедан ҳам кучлироқ таъсирига эга, ахборот оқими жуда кенг. Лекин унинг ўзига яраша бошқа жиҳатлари ҳам мавжуд, яъни, интернетнинг ижтимоий таркиби турфа хил эканлиги қатор салбий ҳолатларни ўзида намоён этиб, бу ўз ўрнида қатор муаммоларни

<sup>4</sup> Эркаев А. Глобаллашув, ахборот хуружи ва оммавий маданият

келтириб чиқармоқда. Кишилик жамиятида ижтимоий-сиёсий, маданий, миллий, этник ва бошқа омилларнинг мувозанати муайян даражада мавжуд бўлса ҳамки, интернет тармоғида бундай тенгликни кўриб бўлмайди. Бундай ҳолат маънавий ва миллий анъаналарга тўғри келмайдиган, вертуал оламнинг ўзигагина хос бўлган интернет “маданият”ни юзага келтириб чиқарди. Тармоқ ичида инсониятга қарши, ёшларга қарши тажовузларни кўриш мумкин. Интернет назоратсизлик туфайли гиёхванд моддаларини тарғиб этиб, ахлоқсизлик, зўравонлик, қотиллик ва террорчилликка даъват этувчи ғоялар билан суғорилган ресурслар тўлиб-тошган тажовузкор ахборот маконига айланиб бормоқда. Бугунги кунда бундай ахборотларнинг “истеъмолчи”лари ёшлардир. Ёшларнинг онгини заҳарлайдиган, руҳиятига таъсир этаётган бундай ҳаёсиз (порнографик), зўровонлик босқинчилик каби сайtlар Россия сегментлари орқали кириб келиб фойдаланувчиларнинг эътиборини бевосита ўзига тортмоқда.

Бугунги кунда тармоқ тарғиб қилаётган жиноятчилик ва кибертеррорчилик жаҳон халқларига жиддий хавф туғдирмоқда. Глобал тармоқнинг бой имкониятларидан турли экстремистик, террорчи ташкилотлар ва гурухлар ирқий, диний, миллий ва бошқа турдаги муросасизликни тарғиб қилиш учун фойдаланмоқдалар, ахлоқсизлик, зўровонлик ва адоватга чорловчи экстремистик, ҳамда ҳаёсизлик каби (порнография) ахборот ресурслари нихоятда кўп. Бир сўз билан айтганда, бундай “оммавий маданият” хуружлари тобора хавфли тус олмокда. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ташвишланиб шундай ёзади: “Табиийки, оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузиклик ва зўровонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди...”. Халқоро террорчи ташкилотлар экстремизм, айрмачилик ва террорчилликни тарғиб қилувчи сайtlарни ҳеч қандай тўсиқларсиз исломнинг турли радикал оқимларининг жиҳод ва “кофирлар”га қарши ғояларни тарғиб қилиш учун ишлатадилар. Шу каби ахборотлар нафақат алоҳида олинган ягона бир ёки икки давлат учун, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун жиддий хавф туғдиради. Бундай сайtlар террорчиллик хуружларини амалга оширишга ундаш билан бир қаторда, айрмачилик, диний келишмовчилик ва миллатлараро адоват каби ғайри инсоний ташвиқотни тарқатадилар. Виртуал маконда ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган шундай ахборот ресурслари борки, улар орқали миллатлараро, динлараро ва ирқий муросасизлик кенг тарғиб қилинади. Шу каби сайtlар (кўп ҳолларда этник сайtlар), асосан турли миллат ва эътиқод вакиллари, бошқа ирқдаги инсонларга нисбатан нафрат ва адоват туйғулари тўлиб, уларни камситиш ғоялари билан суғорилган, интернет фойдаланувчиларини уларга қарши кураш олиб боришга даъват этади. Мисол учун, АҚШ интернет маконидаги “Осенсимдан яхшироқ” ( Better Than Ayschurts ) номли сайтни келтириш мумкин. Сайт номаълум скинхед томонидан яратилган. Унинг бўлимларидан бирида негрнинг ғазабини келтириш учун “тавсиялар”, яъни ҳақорат сўзлар бор. Қора танлига ва шу жумладан, майда миллатларга қарши қандай қуролни ишлатиш афзалликларига доир тавсиялар ҳам учрайди. Энг аянчли томони шуки, айнан шундай “маслаҳат” билан танишган ҳар қандай экстремист ёки миллатчи жиноятчиликка қўл уриши турган гап. Ушбу сайтнинг шахси номаълумлиги, уни топишнинг ҳозирча иложи йўқлиги ёки ўта мураккаблиги бундай сайtlарнинг қўпайишига имкон туғдирмоқда. Сайт муаллифи ноқонуний маълумотларни тарқатгани учун маъсулят ҳамда жазога тортилишни хис этмайди. Инсоният тафаккурининг ўсиб бораётганлиги, ахборот технологияларининг шиддатли ривожи кишиларнинг осойишта ҳаётига таҳдид солаётган бундай сайtlар муаллифларини фош этиш имкониятини ҳадемай яратади, деб ўйлаймиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ушбу муаммони бартараф этишнинг ишончли воситалари ишлаб чиқилмоқда. Покистон ҳукумати глобал тармоқдан фойдаланаётган фуқароларнинг маънавиятини пок сақлаб қолиш учун икки мингга яқин порносайtlарни блокировка қилишга улгурган. Хитой миллий интернет доменида ҳар қандай андишасиз фотосуратларни аниқлаган инсонга 240 АҚШ доллари миқдорида мукофот берилиши ваъда қилиниб, ҳозирга қадар 1400 дан ортиқ ҳаёсиз сайtlар аниқланган ва 460 та киши ҳибсга

олинган. АҚШда мамлакат мактабларидаги ахборот технологияларини шу мазмундаги сайтлардан муҳофаза этиш учун контент фильтрлар билан таъминлаш мақсадида маблағ ажратилған. Австралия таълим вазирлиги барча мактаб ва университетларда андишасиз сайтларга киришни тақиқлаш учун 1.3 млн доллар сарф қилған. Истроилда эса, маҳсус ультратовушли асбоб ишлаб чиқылдик, унинг ёрдамида фойдаланувчининг ёшини аниқлаш мүмкин. Агар у ёш бўлса, асбоб уни автоматик равишда ҳаёсиз сайтларга киритмайди.

Ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган бугунги кунда ундан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Эндиликда Ўзбекистоннинг турли тузилмалари томонидан ахборотларни узатиш тармоқларида таълим ва ёшлар бўйича яратилаётган ахборот ресурслари ягона “ZIYONET” ахборот тармоғига бирлаштирилди. Мамлакатимиз мактаблари, академик лицейлар, коллежлар, олий ўкув юртлари, ёшлар ташкилотлари, хаттоқи кутубхона ва музейлар ҳам халқаро ахборот тармоқларига, жумладан, интернетга уланиш “ZIYONET” орқали амалга оширилади. Буларнинг барчаси қувонарли ҳол, албатта. Бугунги кунда виртуал маконда тажовузкор сайт ва чатлар кун сайин қўпайиб бормоқда. Модомики шундай экан, уларга қарши самарали усуслар орқали ишончли восита ишлаб чиқилиши ҳаёт талабига айланади. Таклиф этилаётган сайтда ахборот маконидаги ёвуз нияти тажовузкорлик, бошқа миллат ва бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нафрат ғояларига қарши ўлароқ, ўкув дастурлари, сұхбатлар, туркум ва доимий мақолалар тез-тез эълон қилиниб, интернетда бағрикенглик, инсонпарварлик, эзгуликка доир виртуал давра сұхбатлари (форумлар) ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Миллий ва маънавий урф - одатларимиз, қадриятларимиз, мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини сақлаб қолиш учун турли хил маънавий таҳдидлардан ёшларни ҳимоя этиш йўлида миллатимиз истиқболини, фаровонлигини ўзида ифода этувчи миллий ғоя асосида мағкуравий тарбияни шакллантириш ёшларимиз ҳаётини турли бало - қазолар хуружидан асраб қола олади. Шу маънода, ёшлар глобал тармоқдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли ғояларни инкор эта билиш идрокини шакллантириш ғоят мухим саналади.